Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 157 (4852).
15 ИЮЛЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

△ 14 июль куни Москвадаги Катта Кремль саройида ўнинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

Депутатлар РСФСРнинг қишлоқ жойларида уй-жойлар, социал-маданий ва коммунал-маиший объектлар қурилишининг аҳволи ҳамда уни партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида яхшилаш тадбирлари ҳақидаги масала юзасидан музокараларни якунладилар.

△ Учишни бошқариш маркази хабар беради: Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев «Салют-7» — «Союз Т» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида икки ойдан бери ишлашяпти. Космонавтлар «Прогресс-14» автомат транспорт кемасининг юкини бўшатиб олиш ишларини давом эттирмоқдалар.

Космонавтларнинг докладларига кўра, «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Прогресс-14» киши бошқарадиган комплекс ичидаги ишлар программаси муваффақиятли бажарилмоқда. Анатолий Березовой билан Валентин Лебедевнинг соғлиғи яхши ва улар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

△ 1982 йил 13 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1387» учирилди.

МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Пойтахтимизнинг Киров районидаги Абдулла Қодирий номли маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик коллективи шу кунларда СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллик юбилейи шарафига катта тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда айни кунларда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари шаҳримиз ва пойтахт область районларида ўтказилаётган турли тантаналарда мунтазам қатнашиб келмоқдалар.

Маданият уйи Жиззах областининг Зомин районидаги маданият уйини оталикка олган. Маданият уйларининг бундай ҳамкорлиги яхши натижалар бермоқда.

БУГУН

маданият уйлари коллективлари ҳамкорликда СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига катта концерт программасини тузишга киришдилар.

Бадиий ҳаваскорлар ой охирида дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, янги дилрабо куй ва қўшиқлар билан санъат ихлосмандларининг дилини хушнуд этадилар.

ҚУБАЛИК ДЎСТИМИЗ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида Кубанинг ажойиб шоири Николас Гильен туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган виставка ташкил қилинди. Виставка стендларида шоирнинг китоблари, унинг турли йилларда Куба ва совет газеталарида эълон қилинган шеърлари бор.

Гильеннинг тўпламлари Тошкентда 30-йилларда пайдо бўлди. Булар — шоирнинг дастлабки китобчалари эди. 1934 йилда нашр этилган «Шеърлар» китоби ҳозирги вақтда нодир асар сифатида сақланмоқда. Николас Гильеннинг «Совет китобхонларимга» деб аталган шеърий мактубининг сатрлари самимий муҳаббат туйғулари билан суғорилгандир. Шоирнинг 1957 йилда Москвада нашр этилган тўпламлари ана шу мактуб билан очилади. Гильеннинг ҳар турдаги империалистларга лаънат ўқийдиган «Йиртқичларнинг катта макони» деб аталган сатирик асарлар тўпламлари китобхонларга ғоят манзур бўлмоқда. Кутубхонада бу асарнинг испан, рус, немис, инглиз ва бошқа тилларда чиқарилган нашрлари бор.

Виставка Гильеннинг Куба Ёзувчилар союзининг раиси сифатидаги фаолияти тўғрисида, шоирнинг, «Халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреатининг тинчлик учун курашчилар ҳаракатида қатнашиши ҳақида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

• *Партия турмуши:*

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАЁТИДА МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР ЯҚИНЛАШИБ КЕЛЯПТИ — 16 АВГУСТДАН ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИ ВА ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР БОШЛАНАДИ. АВГУСТ — СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА 3009 ТА ПАРТИЯ ГРУППАСИДА ВА 2494 ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ БЎЛАДИ. ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СТРУКТУРАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, АЙНИҚСА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БРИГАДА ФОРМАСИГА ЎТИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЛАРНИНГ СОНИ МУТТАСИЛ ОШИБ БОРЯПТИ. ФАҚАТ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ЎЗИДАГИНА 250 ТА ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИ ЯНГИДАН ТУЗИЛДИ.

Партия группаларининг, цех партия ташкилотларининг экономика, маданият, фан, шаҳар хўжалигининг ҳар бир соҳасидаги ролини баҳолаш қийин, албатта. Ҳар бир иш улардан бошланади. Улар биринчи ташаббускорлар ва биринчи ижро этувчилардир. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида барча совет кишилари, КПСС-нинг кўп миллионлик отряди КПСС XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисидаги докладида илгари сурилган қоидэ ва хулосаларни амалга оширишга киришган бир пайтда талабчанлик билан сўз юритишлари керак. Ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти озиқ-овқат программасини амалга оширишга, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг шу йил 22 июнда Тошкент шаҳар партия ташкилоти активи йиғилишида сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни амалга оширишга қўшадиган ҳиссасини белгилаб олиши зарур.

Муҳим масалалар бўйича ягона фикрни ишлаб чиқиш, у ёки бу участкадаги аҳволни тўғри баҳолаш, ишларни яхшилашга оид ягона программани белгилаб олиш — ҳисобот-сайлов йиғилишларининг мақсадидир.

Ўтган даврда тўпланган тажрибани таҳлил этиш, бу тажриба қанчалик катта-кичик бўлишидан қатъий назар бунда истиқбол куртакларини кўриш, амалий ишда ўзини оқлаган партиявий иш методларининг энг яхшиларини танлаб олиш, коллективга партиявий таъсирни кучайтириш усулларини танлашда узоқни кўзлаш лозим.

Саноат, қурилиш, транспорт, партия ташкилотлари олдида ғоят муҳим вазифалар турибди. Тошкент меҳнаткашлари биринчи ярим йиллик планларини муваффақиятли бажаришди. «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида мусобақа кенгайиб кетди. Цех партия ташкилотлари, партия группалари мусобақа илғорларининг тажрибаларини ёйишлари ва уни амалда қўллашни асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблашлари керак.

Ҳисобот даври якунларини кўриб чиқаётганда партиянинг «Экономика тежамли бўлиши керак» шиорини амалга оширишга қаратилган коммунистлар ишларининг самарадорлигига катта эътибор бериш лозим. Рационализаторлик ва ихтирочилик, реконструкция ва техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш, ресурсларнинг барча турлари ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш йиғилишдаги муҳокамаларнинг марказида туриши керак.

Коммунистларнинг топширилган иш учун шахсий масъулиятини ошириш, партия кўки звеноларни фронтнинг ҳар бир коммунистининг қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш ҳақида тўла қатъият билан сўз юритмоқ керак. Вазифа нимадан иборат! Тўпланган тажрибани баҳолаб, келгуси режаларни аниқлаб, катта ютуқлардаги ўз улушини кўра билиш, камчиликлардан эса эҳтиёт бўлиш лозим.

Партия ташкилоти иш услуби, у қабул қилган қарорларнинг ва ишларининг принципиаллиги кўп жиҳатдан унинг раҳбари — партия группасининг ташкилотчиси, цех партия ташкилотининг секретарига, ҳисобот-сайлов йиғилишида ўртоқларнинг кўрсатган ишончига боғлиқ. Шундай шарафга муяссар бўлган активистлар зиммасида ишларни шахсан ўзлари изчил олиб бориш, партиявий топшириқларни тақсимлаш, барча коммунистларнинг ишлари учун катта шахсий масъулиятни ҳис этиш вазифаси турибди. Шунинг учун ҳам партия етакчиларини сайлашга уларнинг ишбаплик, сиёсий ва ахлоқий томонларини ҳар томонлама изчил баҳолаган ҳолда ёндошмоқ керак.

Бу йил ҳисобот-сайлов йиғилишларида маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларини тузилган йирик цех партия ташкилотларида уларнинг ҳисоботларини тинглаш ва қилган ишларига баҳо бериш вазифаси турибди. Партия бюросининг вазифалари масъулиятлидир. Йиғилишда ишнинг қайси йўналишлари бўйича ана шундай янги комиссиялар тузиш ёки маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича бир неча комиссиялар тузиш, обрўли ва принципиал коммунистлардан кимларни унинг составига киритишни тавсия этиш ҳақида муфассал ўйлаб кўрмоқ керак.

Партия комитетлари ва бюролари, ҳар бир коммунистнинг вазифаси ҳисобот ва сайловларни партиявий ишларни активлаштиришнинг янги омилига айлантиришдан, партия группалари ва цех партия ташкилотларининг ташкилотчилик, идеологик ва тарбиявий фаолиятида салмоқли натижаларга эришиш учун мустаҳкам асос яратишдан иборатдир.

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШДА МАЙДА-ЧУЙДА КАРСА ЙЎҚ. УНДА БАРЧА КОММУНИСТЛАР ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК. БУГУН «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ 2-САҲИФАСИДА ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ВА ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СЕКРЕТАРЛАРИ ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЙИҒИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БОРАСИДАГИ ЎЗ ТАЖРИБАЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРИШАДИ. УЛАР ТЎПЛАГАН ИЖОБИЙ ТАЖРИБА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТАДИ ВА ПАРТИЯ АКТИВЛАРИ УЧУН ФОЙДАЛИДИР.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

Бригада пудратига — кенг йўл

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ

Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида 1-фабриканинг мураббий ишчиси Надежда Павлюк бошчилик қилаётган сайқалчилар бригадаси тажриба тариқасида биринчи бўлиб меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулида ишлашга ўтказилган эди.

Икки-уч ой мобайнида янги усулнинг афзалликлари кўрина бошлади. Сайқал ишларида техникадан фойдаланиш яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги юксалиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Бригада аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳам ошди.

«СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» ҳаракатига қўшилиб меҳнат қилаётган Надежда Павлюк бригадаси ҳозир 1983 йил ҳисобига маҳсулот топширяпти. Бригада аъзоларининг ҳаммаси смена топшириқларини оширибгина бажаряпти.

Шундан кейин бирлашмада янгича усулда ишлайдиган бригадалар миқдори ортиб борди. Ҳозир корхонада 30 бригада янги усулда меҳнат қилмоқда. Масалан, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб буюк Ватанимизнинг муборак юбилейини ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилган 2-фабриканинг коммунист Шоазим Шоёқубов бошчилик қилаётган силлиқловчилари, 1-фабриканинг Яшин Юсупов ва Олег Севиваиов бошчилик қилаётган дурадгор-йиғувчилари бригада пудратининг афзалликларидан фойдаланиб, смена топшириқларини ҳамиша 145—150 процентдан адо этишяпти.

Бирлашмада ўн бешлаб ташаббуси ишдошлари ҳам кўпаймоқда. Масалан, Собир Раҳимов район партия комитети бюросининг аъзоси Валентина Тарантарова, Шавкат Шоёқубов, Шокиржон Соқижонов, Мавлуда Миразимова сингари мебелсозлар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилиб, шу кунларда 1983 йилнинг биринчи квартали ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Бирлашмада олти ойлик план ортиғи билан адо этилди. Мебелсозлар юбилей йилида 24 миллион 960 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олганлар.

Т. НАЖМИЙ.

Тошкент тўқимачилик комбинатида юзлаб меҳнатсевар комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Ана шундай фидокорларни бирлаштирган комсомол-ёшлар бригадаларидан бирига мастер Р. Шарафуддинова бошчилик қилмоқда. Бу бригада аъзолари буюк мамлакатимизнинг 60 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун тер тўкишмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) бригада аъзолари С. Улмасова, мастер Р. Шарафуддинова, Г. Сандхўжаева, М. Тулибоева, Д. Холматова ва Р. Зинатуллиналар. Бу илғорлар ойлик план топшириқларини 105—110 процентга етказиб адо этишмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

АГРЕССОР ЖИЛОВЛАНСИН

Узбекистонда бўлиб ўтган митингларнинг қатнашчилари Исроил ҳарбийлари АҚШнинг мададида Фаластин ва Ливан халқларидан қонли ўч олаётганликларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети қурилиш отрядларининг юзлаб аъзолари ва «Дўстлик—82» интернационал отрядининг жангчилари меҳнат сменаси тугаши биланоқ норозилик митингига келдилар. Йигит ва қизлар фаластинлик студент қиз Нодира Холтанинг сўзини ғоят тўлқинланиб тингладилар.

— Менинг минглаб ватандошларим — қариялар, хотин-қизлар, болалар Исроил жаллодлари Ливан тупроғида авж олдирган қонли хунрезлик қурбонлари бўлдилар. Уларни ўлдираётган қуролга «АҚШда ясалган» деган тамға қўйилган. Лекин бизнинг халқимизни тиз чўктира олишмайди. Ёр юзидаги барча софдил кишилар фаластинликларнинг ҳаққоний иши билан бирдамдирлар, КПСС ва улуғ Совет Иттифоқининг раҳбари — ўртоқ Л. И. Брежнев фаластинликларни ҳимоя қилмоқда. Мен ғалабага ишонаман, Фаластин озод бўлади!

— Ливандаги фожиали воқеалар, — деди митингда чехословакиялик студент Франтишек Хартл, — Исроил АҚШнинг ҳомийлигида террорни ўзининг давлат сиёсати даражасига олиб чиққанлигидан далолат беради. Бу яна оммавий жиноятлар хавфини туғдирмоқда. Биз Америка ҳукуматидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Р. Рейганга мурожаатида янграган ақл-идрок овозига қулоқ солиб, ҳаддидан ошган агрессорни тўхтатишни талаб қиламиз!

Студент Э. Каримов, университет комсомол комитетининг секретари Р .Азимов ва бошқалар империалистларнинг Яқин Шарқдаги машъум режаларини ғазаб билан қоралаб гапирдилар.

«АРНАСОЙГА ЙЎЛ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иброгомовнинг мана шу асари ва бошқа машҳур расмлари Гулистонда. Сирдарё область картина галереясида очилган виставкада намойиш қилинмоқда. Экспозициядаги 80 та асарнинг катта қисми қишлоқ меҳнаткашларига бағишланган бўлиб, жонажон диёр гўзаллигини куйлайди. Бу ерда «Сўқоқ қишлоғи», «Пичан ўрими», «Отарлар», «Бахмалда байрам», «Кон қидирувчилар» картиналарини кўриш мумкин.

△ФУТБОЛ

СССР ЧЕМПИОНАТИ ТИКЛАНДИ

Жаҳон чемпионати ўйинлари муносабати билан эълон қилинган танаффусдан сўнг олий лига командалари ўртасида футбол бўйича 45-СССР чемпионати беллашувлари яна бошланиб кетди. Кеча якунланган навбатдаги тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Черноморец» (Одесса) — «Пахтакор» — 3:1, «Арарат» — «Спартак» (Москва) — 1:1, МАСК—«Металлист» — 1:0, «Торпедо» (Москва) — «Днепр» — 2:1, «Динамо» (Киев)—«Кайрат» — 3:0, «Зенит» — «Нефтчи» — 1:1, «Динамо» (Минск) — «Торпедо» (Кутаиси) — 3:2, «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Москва) — 1:0.

Коммунизмнинг актив бинокорлари

14 июль куни Тошкентда областлараро семинар-кенгаш ўтказилди. Семинар-кенгаш катнашчилари — Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё областлари вакилларининг КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида баён этилган тавсиялар асосида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини янада ошириш йўлларини кўриб чиқдилар.

Муҳокама чоғида қайд этиб ўтилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари коммунизм қурилишида, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда самарали иштирок этмоқдалар, тинчлик учун, ядро уруши хавфига қарши ягона сафда туриб курашмоқдалар. Шу билан бирга ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистонда бўлган вақтида уқтириб ўтганидек, хотин-қизларни раҳбар партия, совет ва хўжалик ишларига яна ҳам активроқ кўтариш зарурлигини нотиқлар таъкидладилар.

Орттирилган тажриба баҳам кўрилди. Ишлаётган хотин-қизларнинг социал-маиший шароитларини янада яхшилашга, уларнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада яна ҳам самаралироқ иштирок этишига қаратилган тадбирлар белгиланди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида

ЯНГИ ЭКСПОНАТЛАР

Республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги бўлимида «Уйда ишлайдиган ишчилар тайёрлаган буюмлар» стендини жиҳозлаш ниҳоясига етказилди. Мазкур стенд «Ишлаб чиқариш чиқиндилари ва маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш» павильонида намойиш этилмоқда. Республикамиз бўйича уйда ишлайдиган ишчилар томонидан ҳозирда 29 хил буюм тайёрланмоқда. Кўргазмадан қўлда тикилган «санама», «бодомча», «ироқи» дўппилари, духоба ва садаф қўшиб тикилган сўзаналар, каштали пардоз сумкалари, тикувчилик, ўймакорлик буюмлари ўрин олган. Буюмларнинг аксарияти миллий усулда безатилган. Тошабинлар эътиборини, шубҳасиз. Бухородаги Октябрь 40 йиллиги номли фабрикада ишлаб чиқарилган машҳур зардўзи дўппилар ўзига жалб этади.

Уйда ишлайдиган ишчилар ҳам, улар ишлаб чиқараётган буюмларнинг ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агарда 1975 йилда жами республикамизда уйда ишлайдиганлар 6 минг нафарга яқин бўлиб, улар 14 миллион сўмликдан зиёд буюм ишлаб чиқарган бўлсалар, ҳозир уларнинг сони 10 мингга яқинлашиб қолди. Ҳозирда улар 22 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Маҳаллий саноат министрлигининг бўлими Москвадаги «Ягона оилада» юбилей виставкасида ҳам катта муваффақият билан намойиш этилмоқда.

«ОРЗУ» ДЕБ АТАЛДИ

Собир Раҳимов райони ички ишлар бўлимининг ҳизматчилари эндиликда ўз ашула ва рақс ансамбларига эгадирлар. Бу ердаги «Орзу» ашула ва рақс ансамблини ташкил этишда Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг А. Зиёвиддинов, А. Ғуломов, О. Сайдалиев сингари ҳизматчилари ташаббус кўрсатдилар. Мазкур ансамблга Тоҳир Сулаймонов раҳбарлик қилмоқда. Ансамбль ташкил топганига оз вақт бўлган бўлса-да, шу давр мобайнида ансамбль аъзолари мухлисларини концерт программалари билан бир неча бор хушнуд этдилар. Ансамбль турли жойларда бўлиб, ўз санъатини намойиш этди.

Айни кунларда бадиий ҳаваскорлик коллективи аъзолари СССРнинг 60 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллик юбилейи шарафига катта концерт программасини тузишга киришди. Шонли Ленин партияси, она диёр, дўстлик ва меҳнатни мадҳ этувчи дилрабо қўшиқлар ва рақслар ансамбль репертуаридан жой олган.

А. ТОЛИПОВ.

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИ

Мексика бундан буён ҳам мустақил ташқи сиёсат ўтказиб, ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар барча мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантираверади. Мексика Қўшма Штатлари ташқи ишлар министри Хорхе Кастанеда ялпи сайловлар бўлиб ўтгандан кейин ана шуни таъкидлади. Сайловларда президент, сенат ва депутатлар палатаси сайланди. Ярим асрдан буён ҳокимият тепасида бўлиб келаётган институцион-революцион партияси ғалаба қозонди.

У сайловолди арафасида сўзлаган нутқларида унинг партияси ғалаба қилган тақдирда Мексика «Халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш суверен ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, бошқа давлатларнинг ишларига аралашмаслик, озодлик ва демократия учун курашаётган халқлар билан биродамлик принципларига риоя қилади», деб бир неча бор таъкидлади. Шунингдек у ҳозирги халқаро вазиятда тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасининг авж олдирилишига чек қўйиш ва термоядро фалокатининг олдини олишга қаратилган куч-ғайратларни активлаштириш муҳимлигини ҳам таъкидлади.

Мексика—Лотин Америкасидаги энг йирик ва ривожланган мамлакатлардан биридир. Унинг аҳолиси ҳозирги вақтда қарийб 70 миллион кишини ташкил этади. Экономикада ҳусусий капиталистик сектор устун ўрин эгаллайди. Бироқ каттагина давлат сектори ҳам мавжуд бўлиб, унга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Масалан, энергетика, шу жумладан, нефть ва газ саноати, темир йўллар давлат қўлидадир.

Мустақил ташқи сиёсий йўл ўтказиш Мексика учун жуда қийин бўлмоқда, чунки у АҚШнинг доимий таъйинқи ва дўқ-пўписасига дуч келмоқда. Қўшма Штатлар ўтган асрда бир қанча урушлар қилиб, Мексика территориясининг қарийб ярмини қўшиб олдилар. Ҳозир бу территорияда Техас ва Америкаининг яна беш жанубий штати жойлашган. Шимолдан қилинаётган тазйиқ Рейган маъмурияти ҳокимият тепасига келгандан кейин айниқса кучайди. Рейган маъмурияти Советларга ва коммунизмга қарши қаратилган очиқдан-очиқ реакцион сиёсат ўтказишга Мексикани мажбур этишга жон-жаҳди билан уринмоқда. Лотин Америкасида диктаторлик режимларини қўллаб-қувватламоқда. Вашингтон Мексика бойликлари, жумладан, унинг нефти устидан назорат ўрнатишга эришиш учун кўп куч сарфламоқда.

Мексика 1924 йилдаёқ Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Бу воқеа ғарбий ярим шарда кенг қизиқиш уйғотди, региондаги давлатлар ва сиёсий доираларда СССР билан амалий ва маданий алоқалар ўрнатиш кайфиятини кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Ўша вақтдан буён мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари ижтимоий сиёсий системалари турлича бўлишига қарамай муваффақиятли ривожланмоқда. Халқаро сиёсатнинг кўпгина масалалари юзасидан Мексика билан Совет Иттифоқининг позициялари бир-бирига мос ёки яқиндир. 1978 йил майида Мексиканинг ўша вақтдаги президенти Хосе Лопес Портильонинг СССРга қилган визити, унинг совет раҳбарлари билан мулоқоталари халқларимиз яқинлашувининг янги омили бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Мексика президенти шарафига ўтказилган қабул маросимида сўзлаган нутқида «Бизнинг мамлакатларимиз ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, унга янада кенг ва барқарор тус беришни бирдек истайдилар», деб таъкидлади. Бу сўзлар Мексикада зўр қониқиш билан кутиб олинди.

Мексика йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён социалистик Куба билан алоқаларни муваффақиятли ривожлантирмоқда, у Никарагуа халқининг Сомоса қонли диктатурасига қарши курашини қатъий қўллаб-қувватлади, сандиночилар революцияси ғалабасидан кейин эса ёш республикага иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқда.

АҚШ қаҳрамон Сальвадор халқининг курашини бостириш мақсадида Сальвадорда интервенция тайёрлаган пайтда халқаро анжуманларда Мексиканинг овози янада зўр куч билан янгради. У Франция ҳукумати билан бирга Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронтини Сальвадордаги ваколатли сиёсий куч деб расмий равишда таниди ва ҳозир ана шу мамлакатдаги қуролли можарони адолатли ҳал этишни актив ёклаб чиқмоқда.

Мексика мустақил сиёсий йўл ўтказиб, кескинликни юмшатиш, халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик ўрнатилишини ёқлаб чиқаётганлиги туфайли Лотин Америкасидагина эмас, балки бутун дунёда жуда катта обрў қозонди.

Мексиканинг ҳал этилмаган муаммолари оз эмас. Улар орасида инфляция ва ишсизлик айниқса қийин проблема бўлиб қолди. Совет кишилари Мексика халқига бу муаммоларни ҳал этишда муваффақият тилайдилар. Улар Мексика халқининг орзу-умидлари, унинг қаҳрамонона анъаналари ва ўз қадр-қимматини англаш туйғусига ҳурмат билан қарамоқдалар.

О. КОЛЕСНИКОВ. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЙИҒИЛИШИНИ АКТИВЛИК, УЮШҚОҚЛИК, ИШЧАНЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

ПАРТКОМ ЭЪТИБОРИДА

«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари А. МАҚСУДОВ ҳикоя қилади:

— Завод партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишига катта масъулият ҳисси билан тайёргарлик кўряпти. Партия комитетининг йиғилишида ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик ва уни ўтказиш тадбирлари плани тасдиқланган эди. Бу тадбирларда партия группаси ташкилотчилари, цех партия ташкилоти секретарларининг семинарини ўтказиш кўзда тутилган. Биз район партия комитетидаги семинарларга қўшимча равишда уни ҳар йили ўтказиб турамиз. Партком аъзолари ва партия активлари йиғилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишига, ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказиш графиги тузишга масъул кишилар қилиб тайинланадилар.

Партия группаси ташкилотчилари ва цех партия ташкилоти секретарларига методик тавсиялар тарқатилди. Унда ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур ҳужжатлар рўйхати, доклад бўлимларининг тахминий мазмуни, қарор лойиҳаси мазмуни, завод партия комитетига бериладиган ахборотларнинг шакллари ва бошқа материаллар бор. Кўргазмали агитация катта аҳамиятга эга. У коммунистлар сонининг цехда қанчалик ўсгани, ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш фаолияти, сиёсий ва иқтисодий таълимнинг ташкил этилишини ёрқин ифодалайди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўришда «Ташсельмашевец» кўп нусхали газетасига катта эътибор беряпти. Унинг саҳифаларида партия группалари ташкилотчилари ва цех партия ташкилоти секретарларининг иш тажрибалари ёритиб борилмоқда. Радиогазетадан кенг фойдаланамиз. Унда ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарликнинг бориши ёритилади.

Цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группаларининг ташкилотчилари семинарини ўтказиш чоғида биз ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик ишига барча коммунистларни жалб этишга, йиғилишларни ўтказишга актив қатнашишга, қилинган ишларни холисона баҳолашга, 1983 йилда партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифаларни белгилашга уларнинг эътиборини қаратамиз.

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида, ҳисобот-сайлов йиғилишига барча тайёргарлик ишлари партия ички демократиясини, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтиришга, коллектив ҳаётининг барча томонларига уларнинг таъсирини оширишга қаратилган. Бу эса — КПСС XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

ишлаётганликлари н и айтди.

Меҳнат бўйича катта инженер З. Д. Кониховавнинг чиқиши коммунистлар, партия бюроси томонидан қўллаб-қувватланди. У меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий этиш бўйича партия бюроси ишидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Йиғилиш конкрет қарор қабул қилди. Биз тадбирлар белгиладик ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Натижада ҳисобот даврида технология ва иш жараёнларининг яхшиланиши ҳисобига 0,8 тонна хом ашё тежалди. Маҳсулот сифати бирмунча яхшиланди, меҳнат шароитини яхшилаш, цехда мўътадил иқлимни яратиш учун кўп иш қилинди. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини жорий этишга катта эътибор берилди. Бугунги кунда 500 кишини бирлаштирган 14 бригада ягона наряд бўйича ишлаяпти. Ана шу коллективларда меҳнат унумдорлиги ўсди, бўш туриб қолишлар камайди, меҳнат интизоми яхшиланди.

Коммунистлар уларнинг фикри эътиборга олинаётганлигини н и н г гувоҳи бўлишмоқда. Кимки илгари тортинчоқлик қилиб минбарга кўтарилмаган бўлса, ҳозир коммунистлар билан ўз фикрларини ўртоқлашишга ҳамиша тайёр. Биз йиғилишларда шундай вазият бўлишини таъминладикки, камчиликларни танқид қилган кишилар ўзларининг асосли, амалий таклифлари қўллаб-қувватланишига ишонч ҳосил қилишмоқда. Ҳа, кишилар сўзга чиқишмоқда, чунки улар партия ташкилоти, коллективдаги аҳволга ўз масъулиятларини ҳис этишади, камчиликларга бефарқ қарашмайди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, коммунистларнинг партия йиғилишларидаги активлиги уларнинг топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис этишлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

ҲАР БИР КИШИ МАНФААТДОР БЎЛСИН

— дейди 11-«Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг партия группаси ташкилотчиси О. МАРТИНОВА.

Мен ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўриш борасида ўзимизнинг партия группамизда тўпланган иш тажрибаларига тўхталиб ўтмоқчиман. Йиғилишга бир ой қолганда коммунистлар группаси тузилади. Улар ҳисобот доклади учун материаллар йиғишади. Бунда асосий эътибор ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида танқидий мулоҳазаларнинг бажарилишига, ишлаб чиқариш ва партиявий ишларда йўл қўйилган камчиликларга, шу камчиликларнинг сабабларига ва бу нуқсонларга барҳам бериш йўлларига қаратилади.

Докладни тайёрлашдан ҳар бир коммунист манфаатдордир. Негаки, коммунист докладни тайёрлашда қатнашар экан, иш моҳиятига чуқур кириб боради. Муҳокама этилаётган масала юзасидан ўз фикрини айтади. Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиқиш учун ўз мустақил фикрига эга бўлади.

Докладни тайёрлашда коммунистлар қанча кўп қатнашса коммунистларнинг коллектив фикри шунчалик ёрқинлашади.

Доклад коллектив суратда тайёрланади. Бу эса партия группаси имкониятларини кенгроқ очишга ёрдам беради. Сир эмас, шундай коммунистлар ҳам борки, улар йиғилишда сўзга чиқишга тортиниб туришади. Биз шундай коммунистлар билан суҳбатлашамиз, унинг сўзлаши учун мавзу тавсия этамиз. Унинг сўзлари конкрет ва амалий бўлишига ёрдам берамиз. Натижада бу коммунист партия группаси ишининг ижобий ва бўш томонларини қанчалик яхши билиши ойдинлашади.

Суҳбат жараёнида биз унинг сўзи коллектив суратда қарор қабул қилиш ва йиғилишда у қўйган масала қанчалик қизиқиш уйғотишини тушунтирамиз.

Партия группаси ишидаги муайян қийинчилик шуки, биз қураётган объектлар ҳар ерга жойлашган. Бунинг устига иш икки сменада олиб борилади. Буни ҳисобга олиб, биз ҳисобот-сайлов йиғилишида барча коммунистларнинг тўла қатнашиши учун маъсул коммунистларни тайинладик. Партия группаси йиғилишлар ўтаётган пайтда коммунистларга отпуска бериш масаласи участка бошлиқларининг рухсати билан ёки йиғилиш пайтидан анча олдинга ёки кейинроқ муддатга кўчирилади.

Қисқаси йиғилишларга тайёргарлик ишида майда-чуйда нарсалар йўқ. Ҳар бир икир-чикирни ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз.

МАСАЛАЛАР ЖИДДИЙ, ПРИНЦИПИАЛ ҚЎЙИЛИШИ КЕРАК

—дейди «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг устки трикотаж фабрикаси цех партия ташкилоти секретари А. ГЕЗИНА.

Коммунистларимиз йилнинг асосий йиғилишига олдиндан тайёргарлик кўришади, бу уни юксак ғоявий-сиёсий савияда коммунистларнинг фаол иштирокида ўтишини таъминлайди. Бизда йиғилишни ўтказишнинг синалган усули таркиб топган. Биз аввало ўз олдимизга коммунистларнинг йиғилишда юз процент иштирок этишини ҳамда уларнинг музокарада фаол қатнашишларига эришишни мақсад қилиб қўямиз. Барчага маълумки, ҳисобот доклади— йўналиш беради, унинг руҳи барча қатнашчиларга ўтади. Шу боисдан докладни тайёрлашга бюро аъзоларидан ташқари кенг мутахассислар жалб этилади. Доклад асосли ва айни пайтда жиддий бўлишига ҳаракат қиламиз. Чунки доклад коллектив ҳаётининг долзарб масалаларини кўтариб чиқади, партиявий-сиёсий ва хўжалик фаолиятининг муаммоларини қўяди, йиғилиш чиндан ҳам мазмунли ўтади, коммунистлар ҳисобот докладини муҳокама этишда фаол, ишчанлик билан қатнашадилар.

Сир эмаски, партбюро секретарининг ўзи докладни ёзса, сўзга чиқувчиларни олдиндан белгилаб қўйса ва қайси масалаларга эътибор берилишини кўрсатса, унинг ўзи қарор лойиҳасини тайёрлаб қўйса, мажлисдан бир-икки кун олдин эълон осиб қўйса ва шу билан тайёргарлик иши ниҳоясига етса бошқача бўлади. Йиғилиш сип-силлиқ, лекин зерикарли ўтади.

Биз йиғилишни тайёрлашда коммунистларнинг сўзга чиқишига алоҳида эътибор берамиз ва уларга ёрдам кўрсатамиз. Коммунистлар билан суҳбатлашамиз, уларнинг фикрларини ўрганамиз, уларнинг чиқишлари таъсирчан бўлиши учун маслаҳатлар берамиз.

Коммунистлар барча йиғилишларда қатнашиб, партия ташкилоти ҳаётини билсалар ҳам биз уларнинг эътиборини айрим ҳал этилмаган масалаларга, ишимиздаги камчиликларга қаратамиз. Масалан ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида 12 киши сўзга чиққан бўлиб, улардан 7 киши ишчилардир. Коммунистлар фойдали маслаҳатлар, таклифлар киритишди. Коммунист Р. Мансурова принципиал масалаларни кўтариб чиқди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати бўйича тўқувчилар адресига танқидий фикр билдирди, цех партия бюроси ва раҳбарлари меҳнат шароитини яхшилаш бўйича қониқарсиз

ЙИҒИЛИШНИ ТАЙЁРЛАШДА КОММУНИСТЛАРНИНГ АКТИВ ИШТИРОКИ—ЙИҒИЛИШ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ГАРОВИ

—деди Тошкент метрополитени ҳаракат хизмати цех партия ташкилотининг секретари В. БАРАБАШ.

Ҳисобот-сайлов, партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатяптики, унинг муваффақияти кўп жиҳатдан йиғилишга қанчалик пухта ва олдиндан тайёргарлик кўрилганига боғлиқ.

Ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик нимадан бошланади? Энг аввало, партия бюросининг барча аъзолари активлар иштирокида тайёргарликнинг конкрет планини тузишади. Унда барча асосий тадбирлар, уни ўтказиш муддатлари ва масъул шахслар кўрсатилади. Кейин партия бюроси йиғилишида бу план тасдиқланади. Йиғилишни ўтказиш куни партия комитети билан келишиб олинади. Бу тайёргарлик ишларини биз ҳар йили одатда июнь ойида ўтказамиз. Биз шу план асосида иш олиб боряпмиз. Асосий эътибор ишнинг асосий соҳаларидаги аҳволни чуқурроқ ўрганишга, мажлиснинг ишчанлик, ижодий вазиятда ўтишига қаратилмоқда.

Цех партия ташкилотида 35 коммунист бор. Шулардан 12 киши планга мувофиқ йиғилишни тайёрлаш бўйича асосий ишларни олиб боришяпти. Улар активга, мутахассисларга, ишлаб чиқариш илғорларига таянишмоқда. Барча коммунистларни йиғилишга тайёргарлик кўришга жалб этишга ана шу тариқа эришамиз.

Тадбирлар планига кўра беш кишидан иборат комиссия тузилди. Уч коммунист ва партия бюроси аъзолари Т. Шораҳмедов, Л. Кочаров ва менга олдинги ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорининг бажарилишини ўрганиш топширилган. Коммунистлардан К. Наумова, В. Посталовская, Т. Половниковалар ҳисобот даври мобайнида коммунистлар билдирган мулоҳаза ва таклифларнинг қандай бажарилганлигини таҳлил этишади. Партия бюросининг аъзоси Ф. Гринева хонани тайёрлаш, кўргазмали ахборот, йиғилишни ўтказиш билан боғлиқ бўлган техника воситаларини тайёрлашга масъулдир.

Барча ишлар тайёргарлик планига кўра август ойида ниҳоясига етади. 10 сентябрдан бошлаб ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказамиз. Йиғилишга бир ҳафта қолганда партия бюросининг мажлисини ўтказамиз. Бунда партия группаларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг якунини кўриб чиқамиз. Доклад ва қарор лойиҳасини муҳокама этамиз. Партия группаларида йиғилишларга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатяптики, йиғилишни тайёрлашга қанчалик кўп коммунист жалб этилса, у шунчалик юксак савияда ўтади, коллективнинг кейинги ишларига катта таъсир кўрсатади.

ҲИСОБОТ ДОКЛАДИНИ ТАЙЁРЛАШ—МУҲИМ БОСҚИЧ

—дейди 3-таксопарк автомобиль ремонти устахонаси цех партия ташкилотининг секретари А. ШКИНЕВ.

Партия бюроси мажлисида тасдиқланган тадбирлар планига мувофиқ бизда ҳисобот докладини тайёрлаш бўйича комиссия тузилган эди. Унинг составида цех партия ташкилотининг секретари, партия бюроси аъзоси, авторемонт устахонасининг бошлиғи В. Ососков, партия бюроси секретарининг ўринбосари Н. Раҳимов, партия бюросининг аъзоси Х. Қаюмов бор.

Ҳисобот докладини тайёрлашда партия ташкилоти фаолиятининг тўртта асосий йўналиши: хўжалик фаолиятига партиявий раҳбарлик, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар, жамоат ташкилотларига раҳбарлик, ташкилий-партиявий ишларга асосий эътибор берилади. Докладнинг биринчи бўлимини В. Ососков тайёрлади. Унга икки коммунист актив ёрдам беришди. Бу бўлимда ремонт сифатининг аҳволи, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми ва уларни яхшилаш, мусобақани ривожлантириш, СССР 60 йиллиги ва Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича тадбирларга эътибор берилади. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар двигателлар ремонти сифати пастлиги, деталь, узел ва агрегатларни қайта тиклаш цехи қониқарсиз ишлаётгани, топширилган иш учун коммунистларнинг шахсий масъулиятини ошириш ҳақида гапиришган эди. Партия бюроси устахона ишидаги нуқсонларга барҳам бериш юзасидан амалий чоралар кўрди. Қайта тиклаш цехининг бошлиғи, коммунист В. Кожевников, мотор участкасининг бошлиғи, коммунист Р. Забаров, техника хизмати участкасининг бригадири Ю. Раҳматиллаевларнинг кундалик олиб борган ишлари туфайли муайян ютуқларга эришилди. Ремонт сифати анча ошди, ходимларнинг топширилган иш учун масъулияти ошди.

Идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишлар бўлимида марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълимнинг аҳволи ва уни яхшилаш бўйича тадбирлар ёритилади.

Ташкилий-партиявий ишлар бўлимини тайёрлашда биз коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётидаги ролини ошириш, барча коммунистларга партиявий топшириқ бериш, партия йиғилишларининг ролини ошириш, КПСС сафига қабул қилиш ва ёш коммунистлар билан ишлаш, танқидий мулоҳаза ва таклифларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

1981 йилда ҳисобот-сайлов партия йиғилишида коммунистлардан В. Кожевников, В. Евтухов, Н. Еринлар барча коммунистлар ҳам партиявий топшириққа эга эмаслар, ёшлар ўртасида ишлар бўш ташкил этилган, деб айтишган эди. Баъзи коммунистлар партия мажлисларида онда-сонда сўзга чиқишарди. Партия бюроси бу мулоҳазаларга жиддий эътибор берди. Ҳозир барча коммунистлар партиявий топшириққа эгадирлар. Партия йиғилишларида масалаларни муҳокама этишда актив қатнашишяпти. Ёшлар билан ишлар яхшиланди. Бу йил ёш ишчилардан М. Смоляков, М. Ҳолиқов, А. Турғунбоев, А. Бўтаевлар партия сафига қабул қилиндилар.

Тажриба шуни кўрсатдики, коммунистларни ҳисобот-сайлов йиғилишини, айниқса докладни тайёрлашга кенг жалб этиш йиғилишнинг ишчанлик руҳида ўтишига, бир йилга мўлжалланган конкрет ҳаракат программасини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тошкент «Геологоразведка» заводида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, ёшлар мураббийси, коронка цех партия ташкилотининг секретари Николай Плотников энг яхши токарь ҳисобланади.

СУРАТДА: Н. Плотников (чапдан учинчи) цехнинг илғор токарлари Саъдулла Мақсумов, Вячеслав Ландман ва Геннадий Безменовлар билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

БРИГАДА УСУЛИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

—деб таъкидлади В. И. Ленин номли электронтехника заводи комплекс бригадаси партия группасининг ташкилотчиси Э. ТУКТАРОВ.

Бригадамиз биринчилар қаторида бригада пудрати усулига ўтиб ишлай бошлади. Бригадада партиявий таъсирни кучайтириш учун партия комитети тавсиясига кўра партия группаси ташкил этилди. 1981 йил кўзида бригадада шу масалага бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Бизда саккиз коммунист бор. Улар шахсий намуна кўрсатиб, унумли меҳнат қилишяпти. Коллектив ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Биз бригадага бирлашгандан буён маҳсулот ишлаб чиқариш 4,5 марта кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 2,5 марта ошди. Иш ҳақи ўртача 28 процент кўпайди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Бригадамиз социалистик мусобақа якунларига кўра тармоқ корхоналари министрлигида энг яхши бригада деб топилди. Бунга биз партия группасининг катта таъсири туфайли эришдик.

Бизда бригада Совети бор. Совет аъзоларининг 50 проценти коммунистлардир. Масалан, оператор К. Корнелик юксак меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. План топшириқларини 130 процент бажаряпти. Бу коммунистнинг цехда пропагандист сифатида фаоллик кўрсатаётганини айтиб ўтиш керак. Бригада Советининг бошқа аъзоси, коммунист А. Клименко созловчилик ва операторлик касбларини эгаллаган. Бундан ташқари у цех партия бюросининг аъзосидир.

Бироқ бизда ҳамма масалалар ҳам ҳал этилган деб бўлмайди. Коммунистлар ўз сўзларида бу масалалар ҳақида ҳам сўз юритишади. Бригадада 40 киши бор. Демак, қирқ хил характер билан иш кўриш керак. Энг муҳими нима? Бригада усули мустаҳкам қарор топди! Уни янада такомиллаштириш м и з, биз, коммунистлар бу усулни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашим и з лозим.

Бизнинг заводимизда ўтган йил охирида ишчиларнинг 45 проценти бригада усулига ўтган эди. Беш йиллик охирига бориб, ишчиларнинг камида 70 проценти бригада усулига ўтиб ишлайди. Ўн биринчи беш йилликда бригадамизни янада ривожлантиришнинг истиқболли плани тузилди.

ҲАР БИР ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

— деб таъкидлади Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозликда технологик жараёнларни автомат бошқариш системаси илмий-ишлаб чиқариш комплексининг партия группаси ташкилотчиси А. МАМАЮСУПОВ.

1981 йилнинг август ойида бўлиб ўтган ҳисобот- сайлов йиғилишида коллектив олдида турган вазифалар жиддий муҳокама қилинди. Коммунистлар коллективимиз ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларига партиявий таъсирни янада кучайтиришга қаратилган бир қатор таклиф ва танқидий мулоҳазалар киритишган эди. Бизнинг илмий-ишлаб чиқариш комплексимиз машинасозликдаги технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматик системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.

Олдимизда турган вазифаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар «Ташсельмаш» заводида автоматлашган комплексни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, трактор заводида маҳсулот сифатини бошқаришнинг автоматлашган системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш сингари актуал масалаларга эътиборни кучайтириш зарурлиги ҳақида гапиришди. Партия группаси коммунистларнинг таклифи билан ана шу ишларга оталиқ қила бошлади. Бу ишнинг бажарилиши партия йиғилишларида мунтазам кўриб чиқилди. Барча босқичдаги ишларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши юзасидан тадбирлар кўрилди. Натижада «Ташсельмаш» заводининг участкасида робот-манипуляторларни жорий этиш, трактор заводида эса сифатни бошқаришнинг ёрдамчи автоматик системаларидан бири муддатидан илгари ниҳоясига етди.

Ўтган ҳисобот-сайлов партия йиғилишида коллектив ўртасидаги идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш г а катта эътибор берилди. Партия группаси коммунистлар таклифи билан ҳисобот даврида Тошкент корхоналарида, ўқув юртларида, Тошкент областининг колхоз ва совхозларида лекция пропагандасида олим ва мутахассисларнинг актив иштирокини таъминлаш учун барча тадбирларни кўрди.

Коммунистлар партиявий топшириқлар бир текисда тақсимланмаётганини ҳаққоний таъкидлашганди. Ҳисобот-сайлов йиғилишидан кейин кўп ўтмай бу масала кўриб чиқилди. Ҳозир ҳар бир коммунист партиявий топшириққа эга.

Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳар куни назорат қилиб борилаётганлиги, барча коммунистларнинг ўзлари киритган таклифларни бажаришдан манфаатдорлиги танқидий мулоҳаза ва таклифларнинг муваффақиятли амалга ошишига катта ёрдам беряпти. Партия комитети, бирлашма маъмурияти, цех партия бюросининг бу масалалардаги ёрдамини таъкидлаб ўтиш керак. Шу билан бирга шуни айтиш керакки, барча танқидий мулоҳаза ва таклифлар ҳам амалга ошяпти деб бўлмайди. Масалан, коммунистлар ёш олим ва мутахассисларнинг илмий тайёргарлигини такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш зарурлиги масаласини кўтарган эдилар. Бироқ коммунистлар ёш олимларни оталиққа олишган бўлса-да, бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмади.

Ишларимизни жорий этаётган корхоналарнинг партия ташкилотларига ҳам эътирозларимиз бор. Гоҳида бу корхоналарнинг раҳбарлари бошқариш системасининг зарур узел ва деталларини тайёрлаш масаласига етарлича эътибор беришмайди. Бу эса тайёр илмий ишларни ишлаб чиқаришга жорий этишга халақит беряпти.

Навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишида партия группаси коммунистлари ҳисобот даврида қилинган иш якунларини чуқур таҳлил этадилар, янги вазифаларни белгилайдилар. Ҳисобот докладида коммунистларнинг танқидий мулоҳаза ва таклифлари бўйича қилинган ишлар ҳам ўз аксини топади. Бу ишни пухта таҳлил этиш коммунистларнинг ҳар бир таклифини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур тадбирлар кўришимизга ёрдам беради.

ЙИҒИЛИШ ҚАРОРИ— БИР ЙИЛЛИК ИШ ПРОГРАММАСИ

—дейди Ўзбекистон ССР савдо министрлиги саноат моллари савдо бошқармаси партия группаси ташкилотчиси Ш. ОТАБОЕВ.

Партия ҳисобот-сайлов йиғилишининг бош якуни қарор қабул қилиш бўлиб, у партия группаси коммунистларининг навбатдаги йил учун программавий ҳужжат бўлиб қолади. Партия группамизнинг ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорида савдо ташкилотларига товарлар узлуксиз етказиб берилиши, саноат корхоналари билан ўзаро алоқаларни кучайтириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, буюмлар ассортиментини кенгайтириш ва сифати яхшиланишини назорат қилиш бўйича конкрет вазифалар қўйилган эди. Коллективда ғоявий ва ташкилотчилик ишини такомиллаштириш г а қаратилган тадбирлар белгиланган эди. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорининг бажарилиши партия группаси коммунистларига аҳолининг кенг истеъмол буюмлари билан узлуксиз таъминланишида савдо бошқармаси аппаратининг иши самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

Партия группаси коммунистлари К. Шукуров, А. Байбурин, Т. Ғиёсовларнинг актив қатнашуви натижасида улгуржи базалар 1982 йилнинг олти ойи якунларига кўра савдо ташкилотларига 80 миллион сўмликдан ортиқ қўшимча товарлар етказиб беришди. Натижада аҳолига савдо хизмати кўрсатиш анчагина яхшиланди.

Бизнинг партия йиғилишимиз қарори қанчалик асосланган ва пухта ўйланган бўлиши партия группаси коммунистларин и н г муваффақиятли ишлаши билан боғлиқ эканлигини биз яхши биламиз.

Коллективнинг асосий вазифалари қарорда тўлароқ акс этиши учун биз ҳисобот-сайлов йиғилиши олдидан коммунистларга партия группасининг у ёки бу йўналишдаги ишини таҳлил этишни топширмоқдамиз. Бундан ташқари биз шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, коммунистлар томонидан партия ишининг айрим йўналишларини олдиндан ўрганиш ҳисобот-сайлов йиғилишида активликни ошириш ва партиявий раҳбарлик ишида, ғоявий ишда ва партия ички ҳаётида энг қимматли масалаларни акс эттирган қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилиши қарори лойиҳасини тайёрлар экан, нафақат қилинадиган ишларни белгилайди, балки қайси коммунистга қандай топшириқ берилишини ҳам аниқлайди, топшириқларни бажариш муддатларини белгилайди.

Қарор лойиҳасини тайёрлашда ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорининг бажарилиши, коммунистларнинг таклиф, мулоҳазалари ҳисобга олинади.

Партия группасининг навбатдаги асосий мақсади ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорида аниқланган барча вазифаларни амалга оширишдир. Қарорнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш партиявий ва меҳнат интизомини мустаҳкамлайди, коммунистларнинг, бутун коллективнинг меҳнат ва ижодий активлигини оширади.

Тошкент «Компрессор» заводи бош металлург бўлимида қуюв ишлаб чиқариши учун технологик жараёнларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

СУРАТДА: корхона бош металлурги вазифасини бажараётган, партия группасининг ташкилотчиси Зиёвиддин Салоҳиддинов (ўртада) ўз ҳамкасблари — инженер-конструктор Аҳмад Чанишев ва инженер-технолог Татьяна Кондратенколар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Шарқ юлдузи 50

ИЖОД ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ юлдузи» журнали—50 ёшда

Шароф РАШИДОВ

ТАБРИКНОМА

1936 йилнинг баҳор ойлари эди. Узоқ Шарқ чегараларида ўз хизмат бурчини ўтаб юрган қадрдон дўстимдан эҳтиросли мактуб олдим. Унда тавсиф этилган ёрқин лавҳалар, баён этилган самимий фикрлар мени тўлқинлантириб, қалбимни қувончларга тўлдирди. Мактубни қайта-қайта ўқиганим эсимда. Дўстимнинг сиймоси, унинг бой ички дунёси мени ҳаяжонга солиб, ўйлантириб қўйди, унинг орзу-армонлари, севги ва садоқати, ғайрат ва шижоати дилимда ҳавас уйғотиб, унинг шаънига шеърий асар ёзиш иштиёқини туғдирди.

Худди ўша пайтлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналининг янги сонига кўзим тушди. Унда Ойбек, Ҳамид, Олимжон, Ғафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Шайхзода ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари босилган экан. Уларни зўр ҳаяжон ва қизиқиш билан астойдил ўқиб чиқдиму, ижодга бўлган ихлосим ортди, достон ёзиш ниятим мустаҳкамланди, илҳомимга илҳом қўшилди. Шу-шу бўлдию «Посбон» номли достон юзага келди, 1938 йилда эса жонажон журналимизда босилиб чиқди .

Бу кичик бир мисол. Лекин мен жуда кўп асарларнинг яратилиш тарихи ана шундай кечган деб ўйлайман.

Ўтган вақт ичида журнал жуда катта камолот йўлини босиб ўтди, маърифат ва маданият чароғбонига, илҳом ва ижод манбаига, маҳорат ва жасорат мактабига айланди. Кенг китобхон оммасининг ҳурмат-эътиборини, меҳр-муҳаббатини қозонди. Катта-ю кичик ёзувчини бағрига олиб, ўз атрофига жипслаштириб, таълим-тарбия берди, ҳаммамиз учун мураббийлик вазифасини адо этиб келди. Қизғин мунозаралари ва муҳокамалари, қимматли тавсия ва маслаҳатлари билан ижодий жараёнида бевосита иштирок этди, адабиётимизга янгича ғоявий руҳ ва шукуҳ бахш этди.

Кўплаб ёш қаламкашлар ижодга йўлланмани шу журналдан олдилар, ёзувчиларимизнинг етук ва сара асарлари шу журнал саҳифаларида сайқал топди. [«Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романларининг қутлуғ тақдири учун автор севимли журналимиздан муттасил миннатдор].

Шонли журналимиз «Шарқ юлдузи» ўзининг олтин санасини навқирон эллик ёшини нишонламоқда. Адабиётимиз жонкуярининг эллик йиллик заҳмат ва машаққатлари юксак тақдирланиб, жонажон партия ва ҳукуматимизнинг олий мукофоти «Халқлар дўстлиги» орденига мушарраф бўлган экан, биз унинг муаллиф ва мухлислари севимли журналимизнинг аҳил коллективига табрик сўзимизни баён этамиз, ифтиҳор ва эҳтиром билан чин дилдан таъзим қиламиз. Қайноқ давримиз, қаҳрамон халқимиз, маъмур элимизни муносиб асарлар билан шод этамиз.

«Шарқ юлдузи» таҳрир ҳайъати ва редакция ижодий ходимлари журналнинг янги сони материалларини муҳокама қилишмоқда.

«Шарқ юлдузи» — менинг ҳаётимда

Сарвар АЗИМОВ

ШОДА-ШОДА ЙИЛЛАР МЕҲНАТИ

ОДАМ боласи пешонаси учун Улуғ Октябрь ғалабаси кунларида, социализм билан коммунизм ғоялари тантанаси йиллаида яшашнинг ўзи бир бахт. Лекин фақат яшаш — тирикчилик кечиришнинг ўзгинаси — ёрти ният, кемтик тақдир. Бу ҳаммага аён нарса.

«Революция жангчиси», «Инқилоб жарчиси», «Совет кишиси». «Коммунист» сингари чақмоқ тушунчаларга лойиқ бўларни истаган одам боласи мардлар майдонида жавлон уриб жасорат кўрсатмоғи керак: Ватан ва Халқ. Ленин ва Партия камоли билан жамолини кўз қорачиғидан ҳам азиз тутмоғи шарт; онаизори ва дилкаш халқини нечоғлиқ ардоқласа, қардош ва маслакдош халқларни шучоғлик меҳригиё гулига ўрамоғи лозим: жаҳон афкор оммасининг тинчлик, ҳуррият учун кураш ва социалистик истиқболига имон келтириш зарур. Қисқаси, одамлар нақши, меҳнат заршуноси, санъат заҳматкаши, ҳаёт, айниқса, коммунистик келажак жонкуяр яратувчиси бўлмоқ учун яшай билган одам боласиёқ ўзига, оиласига, жамиятга, башариятга бир бутун бахт келтириши мумкин.

Бу ҳам барчага аён нарса.

Доҳий В. И. Ленин қанотида туриб, пролетариат адабиётига, совет халқлари адабиётига асос солган Максим Горький ана шундай одам эди. Унинг сафдош ва издошлари В. Маяковский, Якуб Колас, Павло Тичина, Садриддин Айний, Ян Райнис, Ҳамза Ҳакимзода, Самад Вурғун, Мухтор Авезов ва Берди Кербобоевлар ана шундай ижодкорлардан бўлишган. Кўпни кўрган ва валломатлар бошлаб берган умумсовет адабиёти, жумладан ўзбек совет адабиётининг юксалишида икки тарихий ҳодиса аҳамияти бениҳоядир. Бири: ВКП (б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда эълон қилинган «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида»ги қарори. Иккинчиси: 1934 йил августида, Москвамизда ўтган Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ биринчи съезди. Натижада тамомила истисно олам — Совет Иттифоқи Ёзувчилар союзи ва унинг республикалар д а г и уюшмалари ташкил этилди. Янги жамиятнинг янги адабиётини яратиш соҳасидаги партиямиз иродаси ва кароматиана шундай ифода топган эди. Қойил!

Ўз тарихини 1932 йилдан бошлаган «Шарқ юлдузи» журналимиз ҳам ўша тансиқ давр нишонасидир. Энди эллик йиллик умри бор. Шода-шода йиллар меҳнатини елкасида кўтаргани, Ленин кўрсатган йўлдан бориб, адабиёт ва санъатимизга, фан ва маданиятимизга, сиёсат ва амалиётимизга, яъники халқимизга садоқат билан хизмат қилгани учун ҳам «Шарқ юлдузи» журналининг ғалабалари катта, чин.

«Вайроналардан қайта тикланган, юксак даражада ривожланган индустрия ва катта фан шаҳри, — деган эдилар Леонид Ильич Брежнев яқинда, Тошкентда сўзлаган нутқларида, — улкан маданият марказларидан бири, ёзувчилар ва кинематографчиларни н г энг катта жаҳон анжуманлари ўтказиладиган жойи бўлмиш Тошкент СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг инсон қўли билан бунёд этилган рамзи, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари туркумида Шарқ юлдузи каби порлаб турибди. Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида шонли саҳифалар озмунча эмас. АММО, ЎРТОҚЛАР, УНИНГ РИВОЖИДАГИ ОЛТИН ДАВР ЎТМИШДА ЭМАС, БАЛКИ ҲОЗИРГИ КУНДА ВА КЕЛАЖАКДАДИР».

Бу ақлда бир дунё маъно бор. Фикрни чархлаш, тер тўкиб меҳнат қилиш, ишонч ва фидокорлик билан ҳаёт кечириш керак экан... Ўзбекистон ёзувчила р и н и н г, «Шарқ юлдузи» журналининг бундан кейин ҳам шу йўлдан бормоғига шак-шубҳа бўлмас деб ўйлайман.

Адабиётимиз, ижодимиз янги уфқларини қучишга ҳозир. «Шарқ юлдузи»дек умри азиз журналимиз ҳам йигит белини маҳкам боғлаб, коммунизм сафарига отланмоқда. Оқ йўл!

Эркин ВОҲИДОВ

НУРЛИ ЮЛДУЗ

1954 ЙИЛ. Сира ёдимдан чиқмайди. Ўшанда тўққизинчи синф ўқувчиси эдим. Менинг илк шеърий машқларимдан бири «МГУга» номи билан «Шарқ юлдузи»да босилиб чиқди. Ўша кунлардаги қувончимни таърифлашга сўз камлик қилади. Синфдошларим, тўгаракдошларим олдида гердайиб юрганларим, журнал сотилаётган дўконлар олдидан кетолмай турганларим, мен билан сўрашган ҳар бир катта-кичикнинг оғзини пойлаганим, «Шеърингни ўқидим» деган сўзини эшитганда ич-ичимдан яйраганимни эсдан чиқаролмайман. Хаёлимда ўша кунларда олам менинг шеъримни ўқир, у билан яшар эди.

«Минглаб шогирдларинг севиб ардоқлаб
Фан қўйнига чорлаб,
кенг очиб бағрин
Ленинский Горида
азамат тоғдай
МГУ булутларга бўй чўзмиш мағрур».

Ҳозир ўйласам, бу андак ибтидоий, андак баландпарвоз, лекин ёш юракнинг содда ва самимий хаёлларини ифода қилган шеър менинг адабиётга қўйган биринчи қадамим экан. Орадан йигирма йил вақт ўтиб профессор Лазиз Қаюмов «Замондошлар» китобида шундай сўзларни ёзди: «Мен уни мактабда ўқиб юрган вақтидан бери, «Шарқ юлдузи»да «МГУга» номли шеъри босилган пайтдан бери биламан». Менга мактаб миқёсидаги шуҳрат билан «Комсомолец» фотоаппарати, «қурбақа» пероли авторучка ҳадя этган илк қадам — «Шарқ юлдузи» билан илк авторлик танишувим шундай бўлган.

1960 йил. Тошкент Давлат университетининг сўнгги курсида ўқиб турган вақтимда «Шарқ юлдузи»да В. И. Лениннинг ёшлик йилларига бағишланган «Буюк ҳаёт тонги» номли достоним босилди.

Бу ҳодиса ҳаётимда унутилмас янги саҳифа очди. Ўша кунларда «Совет Ўзбекистони»да шоир Туроб Тўланинг «Шарқ юлдузи»ни варақлаб» мақоласи босилди. Номдор шоир бир студент боланинг илк достонига истеъдод соҳибига хос тантилик билан юксак баҳо берди.

Мана бугун орадан кўп йиллар ўтиб хаёл қилсам, «Шарқ юлдузи» мен учун ҳам бешик, ҳам дорилфунун бўлибди. Шу азиз ва қадрдон журнал саҳифаларида Ғафур Ғуломдан тортиб то Абдулла Ориповгача, Ойбекдан тортиб Ўткир Ҳошимовгача устозларим, дўстларим ижодидан баҳраманд бўлдим, шу муборак саҳифалар неча авлод ўзбек ижодкорлари қатори менинг тенгдошларим учун ҳам мушоира ва мубоҳаса майдони бўлди.

Бугунда «Шарқ юлдузи» «Ёшлик» журнали тимсолида ўзининг «укасига» эга. Барча ёшларнинг умиди шуки, «ука» ҳам «ака»га муносиб, элга севимли журнал бўлади.

Қадрдон журналимиз қутлуғ ёшга тўлган кунда шогирдлик таъзими ва миннатдорчилиги билан шундай дегим келади: «Шарқ юлдузи», сен бизнинг кўз тиккан юлдузимизсан. Доимо баланд бўл, доимо ёруғ бўл. Ижод уфқида ҳамиша балқиб тур. Фақат ёш шоир, ёзувчиларга юлдуз қадар йироқ бўлма. Ўзинг юлдуз бўлсанг ҳам, бағринг осмон, меҳринг офтоб бўлсин.

Абдулла ОРИПОВ

ИЖОД УСТАХОНАСИ

«Шарқ юлдузи» журнали туб маъноси билан Улуғ Октябрнинг шоён маҳсулидир. Журналнинг номи ҳам унинг беқиёс ижтимоий аҳамиятидан далолат бериб турибди. Бу юлдуз Совет шарқида ўлмас Ленин ғояларининг нурафшонлигини, дунёда энг инсоний адабиёт — Совет адабиётининг ўчмас шуълаларини бутун шарқ бўйлаб таратиб келмоқда.

Қадрдон журналимиз мана 50 йилдирки, ўзбек совет адабиётимизнинг ростгўй кўзгуси сифатида шу адабиётга ва демак, бутун совет адабиётига хизмат қилиб келаётир.

Бир шоир сифатида мен ҳам «Шарқ юлдузи»ни ҳамиша ўзим учун ижод мактаби деб билганман. 1965 йилда кичкинагина шеърлар туркуми адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг оқ йўли билан мана шу журналда босилиб чиққанини сира-сира унутмайман.

«Шарқ юлдузи» журнали редакциясида хизмат қилганман.

Журнал бугунги кунда ўзининг мўътабар 50 ёшлик юбилейини нишонлаяпти. Бу жуда катта ижодий масофа ҳисобланади. Чунки бу давр мобайнида ўзбек совет адабиёти, айтиш мумкинки, мана шу журнал атрофида шаклланди. Кейинги йилларда журналимиз адабиётимизнинг навқирон авлоди ижодига ҳам кенг эътибор бераётибдики, бу маънода ҳам «Шарқ юлдузи» социалистик реализм адабиётининг намунавий тарғиботчиси бўлиб қолишига ишонаман.

Яқинда журнал юбилейи муносабати билан унинг кўп йиллик нусхаларини варақлаб чиқишга тўғри келди. Нақадар бой ва мароқли бир манзара: бу тарихда сиз Фозил Йўлдош-у Шекспирни ҳам, Шанумтала-ю Усмон Носирни ҳам учратасиз. Бу улуғвор қиёфа айниқса йиллар ўтган сайин журналхон кўзини қувонтиради ва унда буюк қониқиш ҳиссини уйғотади. Менинг назаримда журналнинг тарихий йўли чуқур илмий тадқиқотларга манба бўла олади.

Адабиётимизнинг ҳали жуда кўп авлодлари севикли журналимиз маҳорат мактабидан сабоқ олишига ишончим комил.

ШОНЛИ ЙЎЛ

Севимли журналимиз «Шарқ юлдузи» эллик ёшга кирди. Ана шу эллик йил ичида Ўзбекистон мисли кўрилмаган даражада ўсди, камол топди. Ҳаётда қандай воқеа рўй берса, адабиётимиз ва маданиятимизда ҳам бу воқеалар ўз аксини топди. Бу давр ичида бутун бир қаҳрамонлар галереяси яратилди. Истибдодга қарши кураш йўлида тўкилган қони қутлуғ Йўлчидан тортиб, коммунизм қурувчиларнинг энг олдинги сафида турган Ойқизгача бўлган адабий аҳолининг фаолиятида кишиларимизнинг революцион онги ва характерларидаги тадрижий такомил босқичма-босқич акс этди. Бу қаҳрамонлар билан бирга Ғофир ва Жамила, Кумуш ва Отабек, Кўкан, Зайнаб билан Омон, Нурхон, Йўлчи, Ойкиз билан Олимжон, Саида, Ўктам, Улуғбек билан Али Қушчи, Азиз сингари ўзлари яшаган давр ва замоннинг муносиб қаҳрамонлари бўлган образлар «Шарқ юлдузи» саҳифалари орқали халқимиз қалбидан жой олди. Интернационализм турмуш тарзимизнинг бош мезони бўлгани каби адабиётимизнинг ҳам бош мавзуси бўлиб келди. Шароф Рашидов, Комил Яшин, Сарвар Азимов, Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Ҳаким Назир, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўктам Усмонов, Ўткир Ҳошимов сингари ёзувчиларимизн и н г қисса ва романлари, Уйғун, Зулфия, Туроб Тўла, Қуддус Муҳаммадий, Шукрулло, Шуҳрат, Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Гулчеҳра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон каби шоирларимизнинг журнал саҳифаларида ёритилган асарларида бу мавзу ҳар томонлама теран акс эттирилган.

Бугунги кунда 50 йиллик тўйини тўйлаётган журналимиз турли даврларда: «Қурилиш», «Ўзбекистон шўро адабиёти», «Ўзбекистон совет адабиёти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ва ниҳоят «Шарқ юлдузи» номи билан аталди. У қайси ном билан чоп этилмасин, ҳаммавақт буюк коммунистик ғоямизга содиқ ҳолда ёзувчиларимизнинг хизматига камарбаста бўлиб келди. Журналга турли йилларда Раҳмат Мажидий, Қурбон Берегин, Холмат Қурбонов, Сотти Ҳусайн, Комил Яшин, Ойбек, Воҳид Зоҳидов, Уйғун, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом ва Ҳафиз Абдусаматовлар редакторлик қилдилар.

Журналда рус адабиётининг етук намояндалари, қардош республикалар адабиёти ҳамда жаҳон прогрессив адабиётининг энг яхши асарлари мунтазам равишда чоп этилмоқда. Унинг саҳифаларида босилаётган танқидий материалларнинг илмий-назарий савияси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Уларда адабиётнинг муҳим масалалари кўтарилмоқда. Сўнгги беш-олти йил ичида адабиётимизга дадил кириб келган Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Усмон Азим, Азим Суюн, Мурод Муҳаммад дўст, Хуршид Даврон, Муҳаммаджон Раҳмонов каби ёш шоир ва насрнавислар ўз қаламини «Шарқ юлдузи» саҳифаларида чарқлади.

Ҳали олдинда журнал амалга ошириладиган, ёритилиши зарур бўлган проблемалар бор. КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, СССРнинг Озиқ-овқат программаси ҳам шубҳасиз адабиётимизга, ёзувчиларимизга, журналимизга катта масъулиятлар юклайди. «Шарқ юлдузи»ни шонли эллик йиллиги муносабати билан партия ва ҳукуматимиз олий мукофот — Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирлади. Бу эса журнал коллективи, редколлегияси, актив муаллифларига яна ҳам куч-қувват, илҳом ва руҳ бахш этади. Қадрдон журналимиз ҳамда унинг ҳамжиҳат коллективи халқимизнинг бадиий дидини ўстириш учун социалистик реализм принципларига таянгани ҳолда ўқувчиларни коммунистик руҳда, пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш учун ҳормай-толмай хизмат қилаверади, халқимизга ғоявий юксак, бадиий етук асарлар тақдим этишдан чарчамайди.

Носир ФОЗИЛОВ,
«Шарқ юлдузи» журналининг бўлим мудири.

АДАБИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Тил, адабиёт, санъат ҳар бир халқнинг юз-кўзини кўрсатадиган кўзгудир. Мана шу уч муҳим белги бор экан, халқ жаҳон миқёсида мана-ман деб ўз жамолини намоён қилаверади.

Мана, 50 йилдирки, «Шарқ юлдузи» журнали ўзбек адабиётини бутун мамлакатга, қолаверса дунёга кўрсатиб келаяпти. Улуғ Советлар оиласида ўзбек халқи бадиий адабиёт соҳасида эришган ютуқларини намойиш қилаяпти. Бирон ёзувчи йўқки, унинг асари (албатта яхши асари) шу журнал саҳифаларида ёритилмаган бўлсин.

Биринчи каттароқ машқим — «Чўл ҳавоси» қиссаси ёзилганда студент эдим. Уни анчагача бировга кўрсатишга уялиб юрдим. Ўша пайтда ўзимга ўхшаш ҳаваскор қаламкаш бўлган ўртоғим Мурод Мансуров қиссанинг бир нусхасини олди-да, қайтариб бермади. Орадан бир ойча ўтганидан кейин «Чўл ҳавоси»ни «Шарқ юлдузи» редакциясига элтиб берганини айтди. Мен эсанкираб қолдим. «Шарқ юлдузи»дек катта даргоҳга арзимас машқимни топширгани учун, ҳатто дўстимдан ранжидим ҳам. Ўзим журналга боришга иймандим. Минг андиша билан автоматдан редакцияга қўнғироқ қилдим. Ўша пайтда журналга Асқад Мухтор бош муҳаррирлик қиларди. Буни қарангки, тўппа-тўғри Асқад аканинг ўзига тушиб қолибман.

— Қиссангиз журналнинг ўнинчи сонида эълон қилиняпти, — деди Асқад ака. — Янги асарларингиздан олиб келинг.

Бу мен учун кутилмаган бахт эди. Яна ўзим кутмаганим ҳолда асарни маъқуллашди, оқсоқол адиблар, танқидчилар яхши фикрлар айтишди. Ўша пайтдан бошлаб ўзимга жуда ёққан машқларимни энг аввал «Шарқ юлдузи»га олиб борадиган бўлдим. Журнал севимли даргоҳимга айланиб қолди.

Бундай хотираларни бугунги кунда ҳар бир ёзувчи, ҳар бир шоир ҳаяжон билан эслаши мумкин. Негаки, республикамиздаги барча қаламкашларнинг ижодий тақдири бир жиҳатдан «Шарқ юлдузи» билан боғлиқ. Эллик йил мобайнида бу журнал кўп авлод вакилларининг сара асарларини эълон қилди. Кўп ёшларнинг бошини силади. Имоним комилки, «Шарқ юлдузи» бундан кейин ҳам ўзбек совет адабиётининг ёрқин юлдузи бўлиб қолаверади.

Ў. ҲОШИМОВ.

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!

Сизларни Грузия Ёзувчилар союзи правлениеси ҳамда узоқ даврлик самимий дўстларингиз — республикамизнинг барча қалам аҳли номидан ўзбек совет адабиётининг байроқдори бўлган журналингизнинг 50 йиллик байрами билан муборакбод этамиз.

«Шарқ юлдузи» ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида қадимий ўзбек тупроғида рўй берган социалистик ўзгаришларни ёритиб келди. Унинг саҳифалари замондошларимиз — совет Ўзбекистони меҳнат аҳлининг шонли фаолиятини гавдалантирган, шунингдек, ўзбек халқининг қаҳрамонона ўтмиши хусусида битилган, бадиий жиҳатдан пухта асарлар учун доимо очиқ бўлди.

Грузия ёзувчилари учун энг қувончлиси шундаки, бошқа қардош халқлар адибларининг асарлари билан бир қаторда республикамиз ёзувчиларининг энг яхши асарлари ҳам зўр эътибор билан «Шарқ юлдузи»да чоп этилди ва улар ўзбек китобхонлари қалбидан ўрин олди.

Ҳозирги вақтда «Шарқ юлдузи» Советлар мамлакатимиздаги миллий адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журналлар орасида етакчи ва эътиборли мавқега эга.

Журналнинг кўп миллатли адабиётимиз ва маданиятимизни ижодий ҳамда маънавий эстетик жиҳатдан юксалтириш йўлидаги фаолиятида унинг ходимлари, муаллифлари, барча ўқувчиларининг ҳаёти ва меҳнатларида ёрқин, қувончли кунлар, юксак муваффақиятлар тилайман.

Нодар ДУМБАДЗЕ,
Ленин мукофоти лауреати.

Шоир Омон Матжон томонидан ўзбек тилига таржима қилинган поэмам — «Сантяго кабутари»ни ўз саҳифасида чоп қилган «Шарқ юлдузи» журналини табриклашдан ғоят бахтиёрман. У менинг кабутаримга ўзбек замини узра парвоз қилиш учун қанот бахш этди.

Евгений ЕВТУШЕНКО.

Мен «Шарқ юлдузи»нинг бутун коллективини, актив муаллифларини ва ўқувчиларини журналнинг шонли 50 йиллик юбилейи билан қизғин табриклайман. Унинг юз йиллик сана томон боришида янги ютуқлар, улкан ижодий парвозлар тилайман.

Вадим КОЖЕВНИКОВ.

Биз ишчиларнинг янада баракали меҳнат қилишида, бунёдкорлик фаолиятимиз самарали бўлишида бадиий адабиётнинг таъсири беқиёсдир. Чунки бадиий асар кишилар руҳиятини бойитади, маънавиятини юксалтиради. Мен доимо «Шарқ юлдузи»ни мароқ билан ўқиб бораман. Журнал саҳифаларида босилган романлар, достонлар, қиссалар, шеърлар қалбимни ҳаяжонга солади. Бу эса меҳнатда кўмак беради кишига, ҳаётингни бойитиб юборгандек бўлади.

Кейинги йилларда яратилаётган асарлар ўзининг ҳаётийлиги билан биз китобхонларга айниқса манзур бўляпти. Ёзувчиларимиз ҳаёт ичига чуқурроқ кириб боришяпти, инсон тақдирини, ҳаётий муаммоларни бутун мураккаблиги билан кўрсатишяпти.

Биз ишчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарларга ҳам кенг ўрин бериляпти. Бу эса унинг янаям ўқишли бўлиши, журналнинг қўлма қўл бўлиб кетишига сабаб бўляпти.

Севимли журналимиз бундан кейин ҳам чуқур ҳаётий, биз — журналхонларни ҳаяжонга соладиган асарларни эълон қилади, деб ўйлаймиз.

Н. МАННОПОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

«ОҚШОМ» ҚУТЛОВИ

МУБОРАК БЎЛСИН!

Республикамиз адабиёти ва маданий ҳаётининг ёрқин кўзгуси — «Шарқ юлдузи» коллективини, унинг актив муаллифлари ва ўқувчиларини журналнинг шонли 50 йиллик тўйи билан самимий қутлаймиз. Адабиётимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган журнал шак-шубҳасиз бундан буён ҳам республикамиз ижодкорларининг фахрли минбари бўлиб қолади. Журнал мухлислари янада кўпаяверсин, унинг ҳар бир сони ўқувчилар қалбига бир олам ҳаяжон, эзгулик ва улуғлик бахш этаверсин!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» КОЛЛЕКТИВИ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

КИНО

15, 16 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУНЁДКОРЛАР» — **Қозоғистон.**
«БОЛТИҚ НАВОЛАРИ»— **Искра.**
«ҚУШИҚЛАР БАЙРАМИ» — **Нукус.**
«ИШОНЧЛИ ВОСИТА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«АКА-УКА ҚОРАБОЕВЛАР» — **Москва.**
«УЛКАН БАЛЕТ» —**Дружба.**
«ВАТАНИМНИ КУЙЛАЙМАН» — **Лисунов номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎЗГАНИНГ БАЙРАМИДА» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75). **Хива** (22.00) телефон 32-78-02).
«СУКУНАТ ҲАЙҚИРИҒИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51). **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).
«АЧЧИҚ ШУВОҚ ЎТИ» —**Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75). **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20). **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).
«РАССОМ РАФИҚАСИНИНГ ПОРТРЕТИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). **Тошкент Советининг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).
«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ»— **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 53-65-87). **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).
«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ»— **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00).
«КАРНАВАЛ»— **К. Ёрматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 24-22-66).
«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш инженерлари институти томонидан **Зарипова Гулчеҳра Тишаевна** номига берилган 882816 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь районидаги 13-ўрта мактаб томонидан **Маннонова Сонма Абдураҳимовна** номига берилган 556409 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛМОҚДА.

17, 18, 24, 25 июлда — Л. ФЕЙХТВАНГЕРнинг «ГОЯ» **китобига ҳар бир қабул пунктида 200 тадан абонемент берилади;**

31 июль ва 1 августда —Л. БУССЕНАРнинг «ПОХИТИТЕЛИ БРИЛЛИАНТОВ» **китобига ҳар бир қабул пунктида 150 тадан абонемент берилади.**

7, 8, 14, 15 августда — Л. БУССЕНАРнинг «ПОХИТИТЕЛИ БРИЛЛИАНТОВ» **китобига ҳар бир қабул пунктида 200 тадан абонемент берилади.**

Қабул пунктлари —магазинлари чоршанба, пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари ишлайди. Дам олиш кунлари —душанба ва сешанба.

Абонементлар шанба ва якшанба кунлари тарқатилади, бошқа кунлари эса абонемент талонларининг тўла комплектига етмаган макулатуралар қабул қилинади ва 52 —01 прейскурантига биноан макулатуралар ва иккиламчи хом ашёлар чеклланмаган миқдорда олинади.

Қабул пунктлари магазинлари соат 10.00 дан 18.00 гача (13 дан 14 гача танаффус) ишлайди.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1—Ўзбекистон ССР 50-йиллиги номли проспект, Марказ — 15;
2 — Форобий кўчаси, Чиғатой дарвоза маҳалласи (38, 100, 76, 104, 120-автобусларнинг «Чиғатой дарвоза» бекати).
3— Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати);
4— Ташавтомаш массиви. (1, 16-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати);
5—Ўнғур кўчаси (Кўкча колхоз бозори);
6— Янгобод массиви.
7— Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати);
8 — Фарҳод ярмаркаси.
9— Зиё Санд кўчаси (8-трамвай; 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати);
10—1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар; 27-трамвайнинг сўнгги бекати);
11—2/4-Қорақамиш массиви (37, 56, 59, 65-автобусларнинг сўнгги бекати).
12—Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида);
13— Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 62-квартира;
14—Чилонзор массиви, 18-квартал. 10«а» уй, 1-квартира;
15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй;
16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати);
17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва кафеси» бекати);
18— Спутник массиви, марказ 3, 5-уй;
19— Ж. Обидова кўчаси (19-автобус; 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати);
20— Олой бозори;
21—Чилонзор массиви, 20-квартал, Сегизбоев кўчаси.
22—Циолковский кўчаси (Касб касалликлари институти қаршисида).
23—ТошМИ массиви (10, 28-автобусларнинг сўнгги бекати);
24—Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй;
25—Бирлашган кўчаси, автостанция;
26— М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).
27—Юнусобод массиви, А—3,
28 — Первомайск колхоз бозори;
29—Строительная кўчаси, 38-уй;
30 — 2/1-Қорақамиш массиви (Колхоз бозори).
31— 2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази;
32—Луначарское шоссеси, 301-уй;
33—Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.
34—Улуғбек посёлкаси, ядро физика институти.
35— У. Юсупов кўчаси (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).
36— Октябрь массиви Ибрат кўчаси (64-автобус, 8-трамвайнинг «Поликлиника» бекати).
37— 2-Қорасув массиви (89, 63-автобусларнинг 2-Қорасув» бекати).
38 — Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй. 8-корпус (3, 45-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Госстандартлар магазини» бекати).
39— 3-тупар жой массиви, Шолохов кўчаси, 1 «а» квартали.
40 — Чилонзор массиви, 14-квартал, (4, 9, 19-трамвайларнинг, 53 64, 79- автобусларнинг «Бирлик», «Чўпон ота» бекати).
41 — Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 1«а»-уй.
43 — Сергели массиви, Савдо маркази.
44 — Сергели — 3 массиви.
45 — 5-Атоий кўчаси, 6«а»-уй (8, 17-трамвайлар, 64-автобуснинг «Чевар» бекати).
46 — Юнусобод массиви, С—Б—4А микрорайони (60, 72-автобусларнинг сўнгги бекати).
47 — Малая Госпитальная кўчаси, 4-уй (9, 10, 8, 24- трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).
49 — Павлов кўчаси, 10-уй (5, 12-автобуслар, 2, 5-трамвайларнинг «Вино заводи» бекати).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида макулатуралар фақат турлари бўйича алоҳида-алоҳида қилиб ўралган ҳолда қабул қилинади. Масалан, газеталар алоҳида, китоб-журналлар алоҳида, рўзғор картонлари ва ўраш қоғозлари алоҳида.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА АБОНЕМЕНТЛАР ОЛИШ УЧУН МАКУЛАТУРАЛАРНИ ФАОЛ ТОПШИРИШ АДАБИЕТЛАРНИНГ КИТОБ САВДО ТАРМОҚЛАРИГА ТЕЗРОҚ КЕЛИБ ЕТИШИ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

«ВТОРСИРЬЕ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

«РАДИО УЙИ» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ШАҲАР МАРКАЗИГА, КАРЛ МАРКС ВА КИРОВ КЎЧАЛАРИ МУЮЛИШИГА ЖОЙЛАШГАН БУ МАГАЗИННИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ЯХШИ БИЛИШАДИ ВА БУ МАГАЗИН АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЯХШИ ХИЗМАТ БИЛАН ТАНИЛГАН.

Магазиндан камдан-кам одамлар харидсиз чиқиб кетишади —пештахталарга сотувга қўйилган товарлар ассортименти шунчалар хилма-хилки ҳар қандай талабчан харидор истагига жавоб бераолади.

БУ САФАР 1-«РАДИО УЙИ» МАГАЗИНИ МУЗИКА ИШҚИБОЗЛАРИНИ ЎЗИГА ЧОРЛАЙДИ.

Грампластинка ёзувлари билан қизиққан кишилар ўз ихтиёрларида «МЕЛОДИЯ—104» СТЕРЕОФОН РАДИОЛАСИ каби товушни қайта эшиттирадиган яхши аппарат бўлишлигини нақадар муҳим эканлигини яхши биладилар, албатта.

Автоматик равишда тўхтатадиган аппаратли ва микролифтли, баланд ҳамда паст частотада товушни баланд ва паст қиладиган бўлинган силжиб турувчи регулятор ҳар қандай формадаги фоно ёки стереофоник грампластинкалар товушини юқори сифатда эшиттиришни таъминлайди. «МЕЛОДИЯ—104» алоҳида блоклардан ташкил топган: олти диапазонли радиоприёмник, электр орқали эшиттириш мослама ҳамда чиқариш акустик система. Булар радиолани квартирага қулай жойлаштириш имконини беради.

«МЕЛОДИЯ—104 СТЕРЕО» РАДИОЛАСИНИНГ АСОСИЙ ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАРИ:

номинал овоз чиқариш қуввати— 2х6вт;
товушни қайта эшиттириш частота —полосаси — 63 — 12500 гц;
йўлдан ташқари хато коэффициенти — 4 процент;
тармоқдан ток олиш қуввати — 50 вт дан ортмайди;

«ЛИДЕР — 206 СТЕРЕО» электрофон — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энг комплектли электрофонлардан бири ҳисобланади. Кичик ҳажмли акустик системали «ЛИДЕР»ни ҳатто энг кичик хонага ҳам жойлаштириш мумкин, товушни қайта эшиттирадиган қурилмаси ҳам унча катта жой эгалламайди. Электрофоннинг қувват олиши универсал-ўзгарувчан токда ишлайди, доимий ток ташқи манбаи 9—12 в ёки «373» олтита элемент ҳисобланади. Ундан фойдаланиш имкониятини бирмунча кенгайтиради.

«ЛИДЕР—206» ЭЛЕКТРОФОНИНИНГ АСОСИЙ ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАРИ:

номиналь овоз чиқариш қуввати — 2х3 вт;
товушни қайта эшиттириш частота полосаси— 50—12500 гц;
тармоқдан ток олиш қуввати — 50 вт дан ортмайди.

ЭЛЕКТРОФОН ГАБАРИТЛАРИ:

—электр товушни қайта эшиттириш мосламаси (ЭП) ҳамда товушни қайта эшиттириш мосламаси (ВУ) комплектидан — 390х287х155 мм;
битта акустик системадан (АС)—325х340х110 мм. дан иборат.

ЭЛЕКТРОФОН ҲАЖМИ:

ЭП ва ВУ комплекти мустақил равишда таъминланиш манбаи билан бирга — 8 кг;
— иккита АС билан бирга —6 кг.

Баҳоси — 140 сўм.

«РОМАНТИКА— 315—СТЕРЕО» — комбинациялашган усулда, электр товуш эшиттириш қурилмаси ҳамда галтакли магнит панель бирлашган битта блок асосида қурилган. Унинг комплекти иккита кўчма акустик система ҳамда иккита ўрнатиладиган аппаратдан иборат.

«РОМАНТИКА» эгалари ўз фонотекаларида грампластинкалардан ташқари, концертлар, ижодий кечалар ва бошқа тантаналардан магнитофонга ёзиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

АСОСИЙ ТЕХНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ:

номиналь қуввати — 6 вт;
магнитофон лентасининг айланиш тезлиги — 9,53 ва 19,05 см/с; ёзув йўллари сони —4.

ЕЗИШ ВА ҚАЙТА ЭШИТТИРИШ ЧАСТОТАЛАРИНИНГ ИШ ДИАПАЗОНИ:

—10,05 см/с тезликда— 40—18000 гц;
— 9,53 см/с —тезликда — 63—12500 гц;

тармоқдан оладиган қуввати — 120 вт;
Подставка билан баҳоси — 720 сўм;
подставкасиз — 670 сўм.

САФАРГА ЎЗИНГИЗ БИЛАН БИРГА «ГРОДНО—303» МАГНИТОФОНИНИ ОЛИНГ.

«ГРОДНО—303» автомобилга ўрнатиладиган магнитофонли УКВ. ДВ ва СВ диапазонли 3 класс приемнигидан ташкил топган. Магнитофон кассетасига ёзилган товушларни қайта эшиттиради.

Магнитола автомат равишда регулировка қилинади. Лентани олд ва орқа томонига ўраш мумкин.

«ГРОДНО—303» магнитофонини «ВОЛГА», «ГАЗ —24», «ЖИГУЛИ»—2101, 2102, 21011, «МОСКВИЧ» 2140 ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ САЛОНЛАРИГА ЎРНАТИШ МУМКИН.

«ГРОДНО—303» магнитоласининг асосий техник характеристикаси:
қайта эшиттириш йўллари сони — 2 та;
лентасининг айланиш тезлиги — 4,6 см/с;
МК—60 товуш эшиттириш кассетасининг —узунлиги — 2х30 мин;
товушни қайта эшиттириш режимида истеъмол қиладиган қуввати — 15 вт;
Автомобилнинг борт тармоғидан қувват олади.

Баҳоси — 328 сўм.



ҲУРМАТЛИ МУЗИКА ИШҚИБОЗЛАРИ!

1—«РАДИО УЙИ» МАГАЗИНИДАН СИЗ ШУНИНГДЕК, «КОМЕТА— 212—СТЕРЕО», «КОМЕТА —212 М — СТЕРЕО», «ЯУЗА—209—СТЕРЕО», «САТУРН — 201», «СНЕЖЕТЬ—203» МАГНИТОФОНЛАРИНИ, «ИЛГА—301» РАДИОЛАСИНИ, «РОНДО—204» ЭЛЕКТРОФОНИНИ, «РОДИНА—1», «ЭЛЕКТРОНИКА— 104», «ИМПУЛЬС— 80», «РАДИОТЕХНИКА—020» УСИЛИТЕЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Кенг ассортиментда радиоприёмниклар ва телевизорлар қўйилган. Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, магазинда намойиш зали, теле-радио аппаратураларини қабул қилиш пункти мавжуд. Бу пункт тутилган теле-радио аппаратларини қабул қилиб, ўрнига янгисини беради (эски телевизор ёки радио приемникларни кишилар ихтиёрли равишда нақд пулга ва қарзга янгисини олишлари мумкин).

«ТАШГОРТРАНСАГЕНТЛИГИ»НИНГ ПУНКТИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

ШУНИНГДЕК, «ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДА КУПЛАБ РАДИОТОВАРЛАР ВА ТЕЛЕВИЗОРЛАР СОТУВГА ҚУЙИЛГАН:

3/2 — Навоий кўчаси, янги шаҳар ярмаркаси;
4 — Қўйбишев шоссеси, 850-уй;
10—Муқимий кўчаси, 1-уй;
14—Марказ—27 квартали, 16-уй;
15—Усмон Юсупов кўчаси, 95-уй.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг
ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БАЗАСИДАГИ
170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТРОПОЛИТЕН УЧУН: электр поездларининг электр асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи электр слесарь, подстанция навбатчиси, экскаватор машинисти, кучланиш подстанцияларининг электр монтёри, ҳаракатланувчи состав ремонти бўйича слесарь, слесарь-сантехник, автоматика, телемеханика ва алоқа (СЦБ) электр монтёри;

ТЕМИР ЙЎЛ УЧУН: тепловоз машинисти (10-синфни битирган, Совет Армияси сафларидан қайтган йигитлар қабул қилинади), тепловоз машинистининг ёрдамчиси, ҳаракатланувчи состав ремонти бўйича слесарь, товар-билет ва юк кассирлари, багаж ва юк қабул этиб топширувчилар, электр-газ пайвандчилар, лифтлар ремонти бўйича механиклар.

Билим юртига 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.
Ўқиш муддати — 1 —3 йил.
8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юртини тамомлаш билан ўрта ҳунар-техника маълумоти ҳақидаги диплом оладилар ва давлат таъминотида бўладилар, уларга кийим-бош берилади. 3 маҳал овқатланилади; 10-синф ҳажмида маълумотлиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, тепловоз машинистлари группалари учун 72 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ҳамма ўқувчиларга меҳнат ҳақи ҳисобига 50 процент ҳажмида пул мукофотлари берилади.

Билим юртини битиргач ҳамма ўқувчилар иш билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланмалар берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан ва медицина справкалари, 6 та (3х4 см. ҳажмида) фотосурат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, 2-Оҳунбобоев кўчаси, 68-уй, (4, 9, 11, 14, 23, 28-трамвайлар; 18 54-автобуслар; 13, 16-троллейбусларнинг «Киров номли маданият ва истироҳат боғи» бекати). Телефон 53-43-52.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат Комитети
Граждан авиациясининг 243-заводи ҳузуридаги
121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ўқув йили учун
йигит ва қизларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати — 3 йил; 10-синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради: учиш аппаратларини йиғувчи-клепальщик, учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, авиадвигателларни йиғувчи-слесарь, учиш аппаратларининг асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчи, механика-йиғув ишлари слесари, токарь, электр пайвандчи.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ, 8, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Билим юртини битирганлар Граждан авиациясининг 243-авиаремонт заводида ва Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг бўлинмаларида ҳамда шаҳарнинг бошқа корхоналарида ишлайдилар.
Завод ишчилари отпуска вақтида самолётларда учиш учун имтиёзли билетлар ва Граждан авиацияси ходимлари учун жорий этилган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.
Уч йил муддатли таълим группаси талабалари ўқиш даврида тўла давлат таъминотида бўладилар ва Граждан авиацияси кийим-бош формаси билан таъминланадилар.
Бир йил муддатли таълим группаси ўқувчилари эса 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия оладилар.
Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар институтларга, Граждан авиацияси техникумларига ўқишга юборилади-лар.
Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, саломатлиги ҳақида справка (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.), ўқиш жойидан характеристика.
Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17. 00 гача қабул қилинади.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Граждан авиациясининг авиасозлар шаҳарчаси (25, 66, 61, 39-автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси», 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 91-20-33, 99-96-03, ички телефон 6-46.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

15 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Ўсмирлар ижоди». 18.45 «Архитектор Веснинлар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ишлар адреслари». 19.45 М. И. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг концерти. 20.40 «Тарих ҳукми». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Биз ёқтирган қўшиқлар». Телевизион музикали фильм премьераси. РСФСР халқ артисти Л. Гурченко иштирок этади. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Фиеста». Мадриддаги халқ ижодиёти фестивали ҳақида. 19.10 Марафонча югуриш бўйича СССР чемпионати. 19.30 «Йўлга». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 А. Дворжак. «Славянча рақслар». 21.30 «Время». 22.05 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси 2-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Кувончч». Болалар учун фильм-концерт. 18.30 «Абитуриент-82». Тошкент политехника институти. 19.00 «Озиқ-овқат программаси. — халқ фаровонлигининг асоси». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ёзувчи ва замон». Кўрсатувни ҚҚАССР халқ ёзувчиси Т. Қайпбергенов олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Балет кечаси». Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг солистлари ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Баҳс». Ёшлар учун ахлоқий-этик мавзуда кўрсатув. 23.05 «Шашмақом». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).

16 ИЮЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.25 Болалар учун фильм. «Қизча ва тимсоҳ». 11.30 «Комсомол — менинг тақдирим». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Қадрдон тупроқ ҳарорати». «Шаҳар бўйлаб троллейбус қатнамоқда». 12.15 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 13.20 Сталинград остоналарида немис-фашист қўшинларитор-мор этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси: «Волгобона Сталинград», «Биринчи шаҳс тилидан ҳикоя», «Янкамякка». 16.10 «Рус тили». 16.40 «Москва ва москвaликлар». 17.10 «Шахмат мактаби». 17.40 «Муновара клуби». 18.45 Кабарда-Балкарнинг Россияга ихтиёрий қўшилганлигининг 425 йиллигига. «Менинг Кабарда-Балқариям». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 20.00 Тюмень филармонияси рус халқ чолғу ансамблининг концерти. 20.15 «Плющихадаги «Уч терак» кўчаси». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Консерваториянинг катта залида П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреатларининг концерти. 00.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Поэзия». Николас Гильен. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ҳаётга йўлланма». 21.20 «Суханновода ёз». «Киноафиша». 21.30 «Время». 22.05 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм-премьераси. 3-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Айиқлар ва қўшиқлар», «Қўғирчоқлар рақс тушади». Болалар учун мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз 80-йиллар комсомоллари». 19.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Китоб — ақл фарзанди». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Кинопублицист экрани». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «К. Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг биринчи проректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, 1954 йилдан КПСС аъзоси, шаҳар Советининг депутати

Элеонора Николаевна

КУЦЕНКОнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига таъзия изҳор этадилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 32-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; вилоятлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

15 ИЮЛЬ, 1982 й.. Р. — 07340. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.